

ЎРТАЧА ШЎРЛАНГАН ЎТЛОҚИ-АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИНИНГ МЕВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ибрагимов Бобир, таянч докторант,

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
ORCID: 0009-0002-9988-9040

Аннотация. Ушбу мақолада ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шaroитида етиштирилаётган олтинсимон қорағат навларининг мева сифат кўрсаткичлари, ҳажм ва вазн ўзгаришчанлиги, ҳамда ҳосилдорлик даражаси тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларига асосан юқори маҳсулдор навлар тавсия этилди.

Калим сўзлар: олтинсимон қорағат, навлар, шўр тупроқ, мева сифати, ҳосилдорлик, ҳажм, вазн, агробиологик хусусиятлар.

Аннотация. В данной статье исследованы показатели качества плодов, изменчивость объема и массы, а также уровень урожайности сортов золотистой смородины, выращиваемых в условиях среднесоленных лугово-аллювиальных почв. На основе результатов исследований были рекомендованы высокопродуктивные сорта.

Ключевые слова: золотистая смородина, сорта, засоленная почва, качество плодов, урожайность, объем, вес, агробиологические свойства.

Abstract. This article investigates the fruit quality indicators, variability in volume and weight, as well as yield levels of golden currant varieties cultivated in moderately saline meadow-alluvial soils. Based on the research results, high-yielding varieties were recommended.

Keywords: golden currant, varieties, salty soil, fruit quality, yield, volume, weight, agrobiological properties.

Кириш. Олтинсимон қорағат (*Ribes aureum*) ўрта иқлим зоналарида кенг етиштирилаётган резавор ўсимликлардан бири бўлиб, унинг юқори сифатли мевалари озиқ-овқат, фармацевтика ва қайта ишлаш саноатида кенг қўлланилади. Шўрланишга мойил бўлган тупроқларда олтинсимон қорағат навларининг биологик ва ҳўжалик аҳамиятини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, ушбу тадқиқотда Ўзбекистоннинг шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида етиштирилган турли навларининг агробиологик кўрсаткичлари ўрганилди.

Материаллар ва услублар. Тадқиқот ишлари 2023–2025 йиллар давомида ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ҳудудида жойлашган тажриба майдонида олиб борилди. Тажриба сифатида олтинсимон қорағатнинг (*Ribes aureum*) 10 та навлари: Плотномьяса (назорат), Узбекская сладкая, Дўстлик, Рухшона, Ядгор, Эликсир, Сиюма, Ўзбекистанская крупноплодная, Ойдин ва Гулноза танлаб олинди.

“Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” (Орёл 1999) асосида ўтказилди. ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар” Бунда ҳар бир вариант бўйича пишиш бошланишидан бошлаб ҳар 1-2 кунда жами ҳосилнинг оғирлигини тортиш йўли билан битта мевасининг вазни, энг йирик мевасининг вазни ва бир тупдаги ўртача ҳосил ҳисоб қилинади. Ҳар бир навдан 5 дона туп ажратиб олиниб, вариантлар бўйича тўрт қайтариқда тажриба олиб борилди. Ҳар бир терим ҳосили жамланади ва гектар ҳисобига айлантрилиб ҳисобланади.

Мева тугувчанлик даражаси, теримбоп ҳосилни ҳисоб қилиш ва резавор меваларнинг тўкилувчанлигини ўз ичига олади.

Мева тугиш даражаси кўчатлар ўтказилгандан кейин иккинчи йили кўз билан аниқланади ва натижалар балларда ифода-

ланади: 5-жуда юқори; 4-юқори; 3-ўртача; 2-суст; 1-жуда суст.

Резавор меванинг оғирлиги биринчи, иккинчи, тўртинчи ва охириги теримда аниқланади, бунинг учун 100 тадан резавор мева танламасдан ялпи олинади, тортилади ва 100 га бўлинади. Ўртача оғирлиги бўйича Маймунжон мевалари куйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) жуда йирик – оғирлиги 2,5 г дан ортик; 2) йирик – 2,0-2,5 г; 3) ўртача – 1,5-1,9 г; 4) майда – 1,5 г дан кам.

Натижалар ва мунозара. 2023-2025 йилларида олиб борилган тажриба натижаларига кўра, олтинсимон қорағат навларининг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шaroитида мева сифат кўрсаткичлари ҳамда мевалар сони, мевасининг вазни, битта мевасининг ўртача массаси, энг йирик меванинг массаси аниқланди.

Плотномьяса назорат навида 100 г даги мевалар сони 83 дона бўлиб 100 дона мевасининг вазни, эса 123,7 г гача, битта мевасининг ўртача массаси 1,2 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси эса 3,1 г ни ташкил қилди.

Ўзбекская сладкая навида 100 г даги мевалар сони 89,3 дона, 100 дона мевасининг вазни, эса 123,7 г гача, битта мевасининг ўртача массаси 0,8 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси, эса 2,1 г ни ташкил қилди. Дўстлик навида 100 г даги мевалар сони 87,3 дона бўлиб, 100 дона мевасининг вазни эса 120,5 г гача, битта мевасининг ўртача массаси 1,2 г гачани ташкил қилиб, энг йирик меванинг массаси, эса 3,2 г гачани ташкил этди.

Рухшона ҳамда Ядгор навларида 100 г даги мевалар сони аниқланганда 108,5-74,4 донагача бўлиб, 100 дона мевасининг вазни 112,1-141,0 г гача, битта мевасининг ўртача массаси 1,1-1,4 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси, эса 2,9-3,6 г ни аниқланди.

Эликсир навида 100 г даги мевалар сони 97,5 дона бўлиб, 100 дона мевасининг вазни 106,2 г гача, битта мевасининг

ўртача массаси 1,2 г гачани, энг йирик меванинг массаси, эса 3,0 г гача ташкил қилди.

Сиюма навида 100 г даги мевалар сони 98,0 донани, 100 дона мевасининг вазни 102,8 г гачани, битта мевасининг ўртача массаси 1,0 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси, эса 2,7 г гача бўлган.

Ўзбекистанская крупноплодная навида 100 г даги мевалар сони 111,8 дона бўлиб, 100 дона мевасининг вазни 111,5 г гача, битта мевасининг ўртача массаси 1,0 г гачани, энг йирик меванинг массаси эса 3,1 г ни ташкил қилди.

Ойдин ҳамда Гулноза навларида 100 г даги мевалар сони аниқланганда ўртача 76,1-85,3 донагача, 100 дона мевасининг вазни эса 123,3-154,3 граммгача, битта мевасининг ўртача массаси 1,2-1,3 г гачани ташкил қилди. Энг йирик меванинг массаси эса 2,6-3,5 г гачани ташкил қилди.

Натижаларга кўра, навлар ичида энг юқори кўрсаткичлар Ядгор ва Гулноза навларида аниқланиб, 100 дона мевасининг

вазни 141,0-154,3 г гача етканлиги билан ажралиб чиқди (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, олтинсимон қорағат Плотномьяся назорат навида йирик мевалар ҳажми 0,5 см³ гача, мева оғирлиги эса 1,1 г ни ташкил қилди, ўртача мева ҳажми эса 0,3 см³, оғирлиги 0,5 г ни ташкил этди. Майда мева ҳажми эса 0,2 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 0,4 г гача аниқланди. Ўзбекская сладкая навида йирик мевалар ҳажми 1,0 см³ гача оғирлиги эса 2,0 г ни ташкил қилди, ўртача мева ҳажми 0,8 см³ оғирлиги 1,6 г гача ташкил этди. Мева майдасини ҳажми эса 0,3 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 0,6 г гача аниқланганлиги қайт этилди.

Дўстлик навининг йирик мевалари ҳажми 1,2 см³ гача оғирлиги эса 2,4 г гача ташкил қилиб. Ўртача мева ҳажми 1,0 см³ оғирлиги 2,0 г ни ташкил этди. Майда мева ҳажми 0,2 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 0,4 г гача аниқланди. Рухшона навининг йирик мевалар ҳажми 1,1 см³ гача оғирлиги эса 2,3

1-жадвал

Ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида олтинсимон қорағат навларининг мева сифат кўрсаткичлари (2023-2025 йй).

Навлар	100 г даги мевалар сони, дона	100 дона мевасининг вазни, г	Битта мевасининг ўртача массаси, г	Энг йирик меванинг массаси, г
Плотномьяся (назорат)	83,0	123,7	1,2	3,1
Узбекская сладкая	89,3	127,3	0,8	2,1
Дўстлик	87,3	120,5	1,2	3,2
Рухшона	108,5	112,1	1,1	2,9
Ядгор	74,4	141,0	1,4	3,6
Эликсир	97,5	106,2	1,2	3,0
Сиюма	98,0	102,8	1,0	2,7
Ўзбекистанская крупноплодная	111,8	111,5	1,0	3,1
Ойдин	76,1	123,3	1,2	2,6
Гулноза	85,3	154,3	1,3	3,5

2-жадвал

Мевалар ҳажми ва вазнининг навга боғлиқ ҳолда ўзгарувчанлиги

№	Навлар	Йирик		Ўртача		Майда	
		ҳажми см ³	оғирлиги, г	ҳажми см ³	оғирлиги, г	ҳажми см ³	оғирлиги, г
1	Плотномьяся (назорат)	0,5	1,1	0,3	0,5	0,2	0,4
2	Узбекская сладкая	1,0	2,0	0,8	1,6	0,3	0,6
3	Дўстлик	1,2	2,4	1,0	2,0	0,2	0,4
4	Рухшона	1,1	2,3	1,0	2,1	0,2	0,5
5	Ядгор	1,5	3,0	1,0	2,0	0,3	0,6
6	Эликсир	1,0	2,0	0,8	1,6	0,3	0,6
7	Сиюма	0,6	1,2	0,3	0,5	0,2	0,4
8	Ўзбекистанская крупноплодная	1,0	2,0	0,8	1,6	0,2	0,5
9	Ойдин	1,3	2,4	1,0	2,0	0,2	0,4
10	Гулноза	1,4	2,9	1,0	2,0	0,5	1,0

г гача ташкил қилди, ўртача мева ҳажми 1,0 см³ оғирлиги 2,1 г гача ташкил этиб, мева майдаси ҳажми 0,2 см³ ни ташкил этиб, мева оғирлиги 0,5 г гача аниқланди.

Таҷриба натижаларига кўра, меванинг вазни ва ҳажми аниқланганда Ядгор ва Эликсир навларида мева йириклиги ҳажми эса 1,5-1,0 см³ гача мева оғирлиги эса 3,0-2,0 г гача ташкил қилди. Ўртача мева ҳажми эса 1,0-0,8 см³ мевасини оғирлиги 2,0-1,6 г гача, ташкил қилиб, майда мева ҳажми эса 0,3-0,3 см³ ни ташкил этиб, мева оғирлиги 0,6-0,6 г гача аниқланди. Сиюма навининг йирик мевалар ҳажмида 0,6 см³ гача оғирлиги эса 1,2 г гача ташкил қилди, ўртачасини ҳажми 0,3 см³ оғирлиги 0,5 гни ташкил этди. майдасини ҳажми эса 0,2 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 0,4 г гача ташкил этди.

Ўзбекистанская крупноплодная навини йирик мевалар ҳажми 1,0 см³ гача оғирлиги эса 2,0 г гача ташкил қилиб, ўртача мева ҳажми 0,8 см³ оғирлиги 1,6 г ни ташкил этди. Майда мева ҳажми эса 0,2 см³ ни ташкил этиб мева оғирлиги 0,5 г гача аниқланди (2-жадвал).

Ойдин навининг йирик мевалар ҳажми 1,3 см³ гача оғирлиги эса 2,4 г гача ташкил қилди, ўртача мева ҳажми 1,0 см³ оғирлиги 2,0 г гача ташкил этиб, Майда мева ҳажми эса 0,2 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 0,4 г гача аниқланиб. (2-жадвал).

Гулноза навида йирик мевалар ҳажмида 1,5 см³ гача оғирлиги эса 2,9 г гача ташкил қилиб, ўртачасини ҳажми 1,0 см³ оғирлиги 2,0 гни ташкил этди. майдасини ҳажми эса 0,5 см³ ни ташкил этиб, оғирлиги 1,0 г гача аниқланиб. Олиб борилган натижага кўра энг йирик мева вазни ва ҳажми Ядгор ҳамда Гулноза навларида йирик мева оғирлиги 3,0-2,9 г ни ташкил қилди ва мева ҳажми эса 1,5-1,4 см³ билан ажралиб чиқди.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида етиштирилган олтинсимон қорағат (*Ribes aureum*) навларининг мева сифат кўрсаткичлари, меванинг ҳажми ва вазнидаги ўзгарувчанлик, шунингдек, ҳосилдорлик даражалари ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тадқиқотда иштирок этган навлар орасида Ядгор ва Гулноза навлари ўзининг юқори агробиологик кўрсаткичлари, хусусан, 100 дона меванинг вазни, бир дона меванинг ўртача массаси ва энг йирик меванинг ҳажми ва оғирлиги билан ажралиб турди.

Хусусан, Ядгор навида 100 дона меванинг вазни 141,0 г ни, энг йирик меванинг оғирлиги 3,6 г ни, ҳажми эса 1,5 см³ ни ташкил этди. Гулноза навида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 154,3 г, 2,9 г ва 1,4 см³ ни ташкил қилди. Бу навлар шўрланган тупроқ шароитида ҳам юқори мевакорлик салоҳиятига эга эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ермаков А.И., Воскресенская В.В. Методические указания по определению химических веществ для оценки качества урожая овощных и плодовых культур. -Л.: ВИР, 1979. - 101 с.
2. Протасов П. В. Методы агрохимических анализов почв Средней Азии / [Ред. коллегия: (отв. ред.) и др.] ; МСХ СССР. Всесоюз. науч.-исслед. хлопководства «союзники». - 4-е изд. - Ташкент : [б. и.], 1973. - 137 с.
3. Yagudina S.I. - Smorodina. Tashkent. Izd-vo "Fan" 1976. - 120 s
4. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Х.Р., – Фермер хўжаликларида энг яхши резавор мевалилар навларидан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Тавсиянома, Тошкент. – 2011. – 22 б.
5. Аманова М., Абдуллаева Х. // Олтинсимон қорағатнинг янги яратилган истиқболли навлари 2023. - №1. – С. 41-44.]
6. Abdullayev R.M., Abdullayeva X.R., – Fermer xo'jaliklarida eng yaxshi rezavor mevalilar navlaridan yuqori hosil olish agrotehnikasi. Tavsiyanoma, Toshkent. 2011. – 22 b.